

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВ АБДУРАҲИМ НОРТОЖИЕВИЧ

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Тўраев Абдурахим Нортожиевич Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услугиётини такомиллаштириш	3
Тураев Абдурахим Нортожиевич Организация внутреннего аудита в хозяйствующих субъектах и совершенствование его методологии.....	31
Turaev Abdurakhim Nortojievich Organization of internal audit in the business entities and developing of it's methodology.....	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	63

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВ АБДУРАҲИМ НОРТОЖИЕВИЧ

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ УСЛУБИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2017.2.DSc/Iqt76 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Каримов Акрам Аббасович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиқулов Абдимўмин Исматович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 “А” уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 “А” уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н.,
доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида ички аудитни ҳуқуқий асослари ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган меъёрлар асосида тартибга солиб борилади. Ушбу меъёрларда ички аудитни шаклланиши, таърифи, мақсад, вазифалари ва таъминлари етакчи ўрин эгаллаган. Ҳозирги вақтда халқаро амалиётда ички аудитнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ички аудитни профессионал амалиётининг халқаро асослари бугунги кунда ички аудит бўйича давлатлараро ва миллий қонунчиликнинг асоси ҳисобланади ҳамда унинг базасида қатор давлатларнинг бошқарув органларига тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатларда ички аудит фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаларидан бўлиб қолмоқда.

Халқаро амалиётда ички аудитни ўтказиш жараёнларини такомиллаштириш ва унинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар хўжалик юритувчи субъектлар учун ички аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланишнинг хусусиятлари, уларда белгиланган талабларни бажариш ҳамда миллий иқтисодиётга жорий этишнинг афзалликларини белгилаб беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларни тадқиқ этиш асосида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни халқаро талабларга уйғунлаштириш, ички аудит институтининг фаолият самарадорлигини ошириш, самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва инвесторларни жалб этишда ички аудит хизматининг бизнес рискларини пасайтиришга қаратилган мавқеини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Ички аудитнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини, ички аудит хизматини ташкил этиш механизминини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш ва ички аудит самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадларни амалга ошириш учун юртимизда “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш”¹ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларни бажарилишини таъминлашда ички аудит фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, халқаро стандартлар асосида

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ички аудитни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорига 2-илова “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ички аудит хизматини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишга таъсир этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, World bank, The center for economic and business research (CEBR), American Accounting Association, American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), The Institute of Internal Auditors (IIA), Pricewaterhouse Coopers, Ernst&Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales - ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB), University of Cambridge, Oxford University (Буюк Британия), Kyoto University (Япония), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти (Ўзбекистон Республикаси) томонидан олиб борилмоқда.

Ички аудит хизматини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар давомида қатор илмий натижаларга эришилган: ички аудитнинг бошқарув тизимидаги хусусиятлари очиб берилган (Washington, DC: World Bank); ички аудит тизими фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (The Institute of

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи - <https://www.worldbank.org>; <https://www.na.theiia.org>; <https://www.universityofcalifornia.edu>; <https://www.ifac.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.spbu.ru> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Internal Auditors); ички аудит ва ташқи аудиторлик текшируви харажатлари ўртасидаги боғлиқлик асосланган (University of California, USA); молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида тузиш тартиби ишлаб чиқилган (International Accounting Standards Board); корхоналарда ички аудит хизматининг молиявий ҳисоботларга таъсирини таҳлил қилиш тартиби такомиллаштирилган (American Institute of Certified Public Accountants (AICPA)); Федерал ғазначиликда ички аудитнинг услубларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети (Россия)).

Дунё миқёсида ички аудит услубиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: мамлакатларда ички аудит хизматини халқаро стандартларга мослаштириш; ички аудиторлар фаолиятини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш; ички аудит хизматини самарали ташкил этиш асосида субъектларда харажатларни камайтиришга эришиш; ички аудит хизмати ҳисоботларини таҳлил қилиш орқали корхоналарда самарали бошқарув тизимини шакллантиришга эришиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва такомиллаштиришда хорижий иқтисодчи олимлардан В.Д.Андреев, Э.А.Аренс, А.М.Богомолов, В.В.Бурцев, К.Друри, А.К.Макальская, А.М.Сонин, В.П.Суйц, Л.В.Сотникова, Т.Собуа, А.Д.Шеремет³ларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан А.И.Аликулов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Б.И.Исроилов, И.Н.Исманов, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, С.У.Меҳмонов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаходжаева, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, Б.Қ.Хамдамов, З.Н.Қурбанов, И.Н.Қўзиёв⁴лар

³ Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 464 с.; Арэнс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер. с англ. гл. ред. серии. UNCTC проф. Я.В.Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Богомолов А.М. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2000. – 192 с.; Бурцев В.В. Стандартизация внутреннего аудита в акционерном обществе. – М.: Аудитор, 2002. – 48 с.; Друри К. Управленческий и производственный учет. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 312 с.; Макальская А.К. Внутренний аудит: учебно-практическое пособие. – М.: Дело и Сервис, 2001. – 112 с.; Сонин А.М. Внутренний аудит. Современный подход. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 64 с.; Сотникова Л.В. Внутренний контроль и аудит. Учебник. – М.: Финстатинформ, 2000. – 239 с.; Собуа Т. Организация и методика внутреннего аудита хозяйствующих субъектов. Автореф. дисс. на соис. ученой степени к.э.н. Воронеж. 2009. – 23 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. 5-е изд., перераб. и дополненное. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 448 с.

⁴ Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2011. – 188 б.; Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби, аудити ва кишлок хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2002. – 41 б.; Исроилов Б.И. “Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари”. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: БМА, 2006. – 286 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари. – Т.: Фан, 2006. – 172 б. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2005. – 40 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2018. – 74 б.; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Академия, 2002. – 172 б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув

аудит тизимини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган. Б.А.Хасанов ўз илмий изланишларида ички аудит хизматини компьютерлаштириш тизимига алоҳида тўхталган⁵.

Н.Ф.Каримовнинг илмий ишларида тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш жиҳатлари ўрганилган⁶. К.Б.Ахмаджонов томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштиришнинг айрим масалалари очиб берилган⁷.

Юқоридаги илмий изланишларда ички аудит режасини тузиш, ички аудитнинг ишчи ҳужжатларини тайёрлаш, йиғма ҳисоботни тузиш, ички аудит услубиётини такомиллаштириш, ички аудиторларни халқаро даражада сертификатлаш тизими тўлиқ ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички аудит хизматини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва унинг корпоратив бошқарувда тутган ўрнини асослаш;

ички аудит хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш ва кузатув кенгаши томонидан унинг самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш;

ички аудит хизматининг фаолиятини ташкил этишда зарур ҳужжатларни шакллантиришга оид амалий тавсиялар бериш;

қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001. – 176 б.; Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и права, 1998. – 176 с.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография. – Т.: ТДИУ, 2010. – 272 б.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2007. – 33 б.; Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: БМА, 2006. – 272 б.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.

⁵ Хасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари.–Т.: Фан, 2003. – 160 б.

⁶ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 36 б.

⁷Ахмаджонов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2016. – 76 б.

ички аудит хизматининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар шакллантириш;

ички аудит далилларини тўплашга оид ҳужжатлаштириш тартибини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий тажриба асосида ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсияларни бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятларининг ички аудит хизмати фаолияти танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотида гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва таққослаш, тизимли ёндашув, индукция, дедукция, статистик таҳлил, монографик кузатув, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш ҳамда ички аудиторларни имтиҳондан ўтказиш тартиби такомиллаштирилган;

хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати фаолиятининг “ички аудит режаси” ҳамда “ички аудит дастури” ишчи ҳужжатлари таркибий тузилиши такомиллаштирилган;

халқаро ички аудит стандартларининг қафолат дастури асосида ички аудитнинг сифатини назорат қилиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш асослаб берилган;

ички аудит хизмати иш натижалари бўйича таҳлилий, якуний ва тасдиқлайдиган ҳужжатларни қамраб олувчи йиғма ҳисоботнинг намунавий шакли ишлаб чиқилган;

ички аудит текшируви далилларидан фойдаланиш орқали ташқи аудитни ўтказиш муддати ва харажатларини камайтирилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

ички аудит тушунчасига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи берилган;

ички аудитни сифатли, ўз вақтида ва корхона фаолиятини тўлиқ қамраб олган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

жорий активлар ва солиқ тўловлари бўйича ҳисоб-китобларнинг ички аудит услубиётини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар асослаб

берилган;

хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг расмий маълумотларидан фойдаланганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган, илмий таклифлар ва амалий тавсияларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига татбиқ этилиши, уларда ички аудитни ташкил этишга, ички назорат тизими самарадорлиги ва бошқарув қарорларининг асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш ҳамда ички аудиторларни имтиҳондан ўтказиш тартиби бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 29 мартдаги 66-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлашни ҳужжатлаштириш тизими ва уларни имтиҳондан ўтказиш талабларининг тартиби қулай бўлишига эришилган;

хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматининг ишчи ҳужжатлари таркибини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлари “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, Тошкентдонмахсулотлари АЖ, “Қурилишмашлизинг” АЖда фойдаланилган. (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, “Тошкентдонмахсулотлари” АЖнинг 2017 йил 23 ноябрдаги 5/1262-сон, “Қурилишмашлизинг” АЖнинг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/07-562-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётда қўлланилиши натижасида “Шеробод пахта тозалаш” АЖда ички аудит ўтказиш муддати 2016 йилда 8%га, Тошкентдонмахсулотлари” АЖда 2016 йилда 12,5 %га, “Қурилишмашлизинг” АЖда 2017 йил 9 ойи мобайнида 25,5 %га камайишга эришилган;

халқаро ички аудит стандартларини жорий қилиш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф хўжалик юритувчи субъектларда ички аудиторлик текширувлари сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

ички аудит хизмати иш натижалари бўйича таҳлилий, якуний ва тасдиқлайдиган ҳужжатларни қамраб олувчи йиғма ҳисоботнинг намунавий шакли Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2017 йил 20 декабрдаги 129-сон, “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖнинг 2018 йил 26 июндаги 10-5/699ж-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши ички аудит хизмати ҳисоботларини шакл жиҳатдан бирхиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилган;

Ташқи аудит фаолиятида ички аудит хизмати маълумотлари ва натижаларидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ, “Қурилишмашлизинг” АЖ, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 136-сон, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2017 йил 26 октябрдаги 01-15/3195-сон, “Қурилишмашлизинг” АЖнинг 2017 йил 6 ноябрдаги 01/07-562-сон, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖнинг 2017 йил 23 ноябрдаги 5/1262-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётда қўлланилиши натижасида ташқи аудит ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар “Шеробод пахта тозалаш” АЖда 10%га, “Қурилишмашлизинг” АЖда 9,5%га, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда 9%га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 10 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад, вазифалари, объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида ички аудит хизматини ташкил этиш ва ривожланиш босқичлари, ички аудит хизматини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва унинг корпоратив бошқарувда тутган ўрни, ички аудит фаолиятининг хориж тажрибаси ва уни қўллашнинг услубий асослари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар баён қилинган.

Таҳлиллар кўрсатишича, ички аудитга бўлган эҳтиёж биринчи навбатда йирик корхоналарда юзага келади. Олий бошқарув корхона ва қуйи бошқарув тузилмалари фаолиятининг кундалик назоратини юрита олмайди. Ички аудит уларнинг фаолияти ҳақида ахборот етказиб беради ва менежерлар ҳисоботларининг ишончлигини тасдиқлайди.

Соҳага оид кўплаб адабиётлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички аудит тушунчасига таърифлар ва изоҳлар берилган. Ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors) томонидан берилган таърифга кўра **“Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил, ҳолис қафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз фаолиятидаги рискларни бошқариш, назорат ҳамда корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади”**⁸.

К.Б.Аҳмаджонов фикрича ички аудит - хўжалик юритувчи субъектларида молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган объектив қафолат ва маслаҳатлар берувчи мустақил тизим ҳисобланиб, ички аудитни бухгалтерия маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолиятдир⁹.

Илмий изланишлар жараёнида **“ички аудит”** тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ва унга кўра ички аудит рискларни бошқариш, ички

⁸ <https://global.theiia.org> - Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.

⁹ Аҳмаджонов К.Б. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2016. – 76 б.

назорат тизимларининг ишончилиги ва самарадорлигини, жумладан, корпоратив бошқарув амалиётини ички нazorат соҳасидаги умумқабул қилинган халқаро ва миллий стандартлари асосида мунтазам ва мустақил равишда баҳолаш учун ташкил этилган фаолият сифатида очиб берилди.

Бизнинг фикримизча, ички аудит хизматини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари қуйидаги шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Ички аудит хизматини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш тартиби¹⁰

Тадқиқот жараёнида, биз томонимиздан ички аудит хизмати самарадорлигини янада ошириш ҳамда ички аудит хизмати иш натижаларидан ташқи аудиторларнинг бевосита фойдаланишини таъминлаш мақсадида “Ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш” номли аудиторлик фаолияти миллий стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланишга тавсия этилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит тизимини жорий қилиш бўйича хориж тажрибасини муҳим жиҳатлари 1-жадвалда баён этилган.

Ўзбекистонда ички аудит хизмати меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳисобланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан чегараланиб қолмасдан, ички аудит стандартларини амалиётга қўллаш орқали ички аудит соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга имконият яратади.

Ички аудит ўз моҳиятига кўра субъект фаолиятининг барча жиҳатлари бўйича ахборот ва маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш учун восита тўплаш имконига эга бўлади, ҳамда ички аудит билан узвийликда алоқада бўлиш бошқарувчи томонидан қабул қилинадиган қарорлар самарадорлигини ошишига олиб келади.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ички аудит бўйича хориж тажрибасининг айрим жиҳатлари¹¹

№	Кўрсаткичлар	АҚШ	Буюк Британия	Япония	Ўзбекистон
1.	Меъерий хужжат	Аудитнинг умумқабул қилинган стандартлари	Ички аудит стандартлари	Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари	“Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом. Ички аудит стандартлари ишлаб чиқилмаган
2.	Назорат қилувчи ташкилот	Директорлар Кенгаши	Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши	Директорлар Кенгаши	Кузатув Кенгаши
3.	Амал қилувчи сертификат	Сертификатли ички аудитор	Сертификатли ички аудитор	Сертификатли жамоат бухгалтери	Ички аудит малака сертификати

Айнан ички аудит бошқарувчига қабул қилинган бошқарув қарорлари бажарилиш сифатини баҳолашга ёрдам берувчи объектив ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда миллий ички аудит институтини таъсис этиш, амалда фаолият юритаётган ички аудит ходимларини аъзоликка жалб қилиш зарур. Ички аудит хизмати ходимлари халқаро даражада ички аудит сертификати (CIA-Certifacate Internal Audit)га имтиҳон топширишга имкон яратилади ҳамда тўғридан-тўғри ривожланган хорижий давлатларда малака оширишга замин яратилади. Бу эса, ички аудиторларимизни халқаро даражага чиқиш имконини беради.

Мамлакатимизда ички аудит хизматини амалга ошириш, ички аудит сифатини ошириш ва унинг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида амалдаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинди (2-жадвал).

Ички аудит хизматини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ўрганиш натижасида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда ички аудит вазифаларини амалга оширишда айрим камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кузатилмоқда. Ушбу камчиликларни мамлакатимиз амалиётида такрорланмаслиги учун фикримизча, “Ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш” номли халқаро стандартини амалиётга жорий этиш, ички аудитни фаолият шакли сифатида қонунда мустаҳкамлаб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизими Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 12 майда 2361-сон билан рўйхатга олинган “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади ва

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ички аудит хизмати ходимлари республика аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан 80 соатлик ўқув курсларида ўқиган, аудитор ва солиқ маслаҳатчи малака сертификатиغا эга бўлган жисмоний шахслар ички аудитор малака сертификатини олиш бўйича молия вазирлиги, аудиторларнинг жамоат ташкилотлари махсус комиссияси томонидан имтиҳон топшириб, ички аудитор малака сертификатиغا эга бўлмоқдалар. Бироқ аудиторларнинг жамоат ташкилотлари томонидан ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизимида айрим тўсиқларга дуч келинмоқда.

2-жадвал

“Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар¹²

№	Низом банди	Амалдаги Низомда	Таклиф этилаётган вариантда	Натижа
1.	10-банд	Ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши	Ички аудит хизмати ходимлари аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан аттестациядан уч йилда бир марта ўтказилиши	Ички аудит хизмати ходимлари сертификатлаш тизими орқали фаолиятлари назорат қилинади.
2.	11-банд 1-хат боши	Ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, корхона кузатувчи кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш	Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бўйича ички аудит хизмати раҳбари ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, ҳамда уларга иш ҳақи миқдори ва бошқа тўловларни белгилаш	Кузатув Кенгаши ролини ошириш ҳамда ички аудит томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этилишини назорат қилиш имконияти ошади.
3.	13-в банди	Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари	Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари	Солиқ ҳисоботларига кенгроқ эътибор қаратиш имконияти ошади
4.	13-ж банд	Мавжуд эмас	Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот	Инвентаризация натижалари амалдаги 19-сонли БҲМС асосида ўтказилиши таъминланади.
5.	VIII- бўлим	Мавжуд эмас	Ички аудит хизматининг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши билан ўзаро алоқадорлиги	Ички аудит текшируви натижаларига баҳо бериш тизими такомиллашади.
6.	IX- бўлим	Мавжуд эмас	Ички аудит хизмати ходимларининг жавобгарлиги	Ички аудит хизмати ходимлари жавобгарлиги назорат қилинади.

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларга асосланиб, илмий изланишларимиз натижасига кўра “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. 12-бандда: тўртинчи хатбошидаги “дипломнинг нотариал” деган сўзлар “диплом” деган сўзлар билан алмаштириш; бешинчи хатбоши “меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки унинг иш берувчи томонидан тасдиқланган нусхаси”; еттинчи хатбошидаги “сертификатининг нотариал ёки сертификат” деган сўзлар “сертификати ёки ушбу сертификатни”; саккизинчи хатбоши “ҳужжати” деган сўздан кейин “нусхаси” деган сўзни киритиш.

2. 56-банддан “нотариал тасдиқланган” - деган сўзни чиқариб ташлаш.

3. 58-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “тўлов ҳужжати” - деган сўзлар “тўлов ҳужжатининг нусхаси” - деган жумлалар билан алмаштириш.

4. 72-банднинг иккинчи хатбошисидан “ва у ички аудит хизматида ишлаб турган хўжалик юритувчи субъектга” – деган жумлаларни чиқариш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби Ўзбекистон аудиторларнинг жамоат ташкилотлари томонидан имтиҳон ўтказилиши ва сертификат берилиши амалиёти жорий этилган. Ички аудиторларни сертификатлаш эса муаммо бўлиб, ички аудитор 80 соатли курс ўтгандан сўнг, имтиҳон топшириш учун ҳужжатларни ўқиган жамоат ташкилотига топширади, шунда имтиҳон топшира олмаганлиги учун даъвогар жамоат ташкилотининг иккинчисидан имтиҳон топшириш учун ҳужжатларини қайтариб олишга тўғри келади.

Имтиҳон топшириш учун қабул қилган аудиторларнинг жамоат ташкилотлари даъвогарнинг ҳужжатларини қайтариб беришига тўғри келади ҳамда имтиҳон топшира олмаган даъвогарнинг ҳужжатларини текширув келган вақтда ўша имтиҳон ўтказган ташкилотда ҳужжатларни топширганлиги тўғрисида исботи қолмайди.


Бунинг натижасида, “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Сертификат олиш учун имтиҳон топшириш” деб номланган 5-бобининг 42-бандини “Имтиҳонда иштирок этиш учун даъвогарлар томонидан берилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни имтиҳондан ўта олмагандан сўнг 3 иш кунида қайтариб бериш, аризанинг нусхаси билан комиссиянинг ҳулосасини беш йил давомида аудиторларнинг жамоат бирлашмаларида сақлаш лозим” деб таҳрирлаш лозим.

Диссертациянинг **“Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш тартиби, ички аудит хизмати фаолиятини режалаштириш ва ишчи ҳужжатларни тайёрлаш тартиби ҳамда ички аудитни ўтказишда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш жиҳатлари

тадқиқотларимиз натижасида илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ҳисоботини тайёрлашда уни ўтказиш жараёнининг кетма-кетлик босқичларига эътибор берилади. Ушбу ички аудитни ўтказиш босқичларининг тузилиши муҳим ҳисобланади ва унинг шаклини қуйидаги тартибда бериш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Таҳлиллар кўрсатишича, ички аудит хизматини шакллантиришда уни тўғри ташкил этилиши ҳамда юқоридаги кетма-кетликка амал қилган ҳолда амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг ишини анча осонлаштириш имкониятини беради.



2-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ўтказиш босқичлари¹³

Шу сабабли, ички аудитни самарали ташкил этиш учун ички аудит бўлимининг йиллик иш режаси ва дастури кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Ички аудитни режалаштириш жараёнида бир йиллик иш натижаларини ўз ичига олувчи режа тузилади ва ушбу режага асосланган ҳолда ички аудит раҳбари ички аудит дастури ишлаб чиқади.

Муаллиф томонидан ички аудит хизмати ходимларининг ички аудит текшируви бўйича ички аудит дастурининг намунавий шакли 3-жадвалда келтириб ўтилган.

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ички аудитнинг йиллик умумий режасига асосан, ички аудит текшируви бўйича намунавий ишчи дастурининг шакли тузилади ва ички аудит хизмати йиғма ҳисоботи учун аудиторлик далиллар йиғиш жараёнида фойдаланилади.

3-жадвал

Ички аудит хизмати ходимлари томонидан текшириш ўтказиш учун НАМУНАВИЙ ДАСТУР¹⁴

№	Тадбир номи	Бажарилиш муддати	Ички аудит ўтказиладиган таркибий бўлинма	Ўтказиладиган тадбир
1.	Тузиладиган хўжалик шартномаларининг конун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш	Доимий равишда	Юридик бўлим	Экспертиза
2.	Таркибий бўлинмаларга методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа конун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш	Доимий равишда	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тузиш билан боғлиқ барча бўлинмалар	Методик ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш
3.	Таркибий бўлинмалардаги ижро интизоми ва ички назорат тизимини мониторинг қилиш	Доимий равишда	Барча таркибий бўлинмалар	Бўлинма жавобгарлиги ва функциялари доирасида тасодифий текширишлар ўтказиш
4.	Тузилган бизнес режа кўрсаткичлари ҳақиқатдаги ҳолатига мослигини ва ўзгаришлар юзасидан тушунтиришлар ўтказиш	Йил бошида	Ишлаб чиқариш бўлимлари бошлиқлари	Ички семинар
5.	Солиқлар ҳисобланиши ва тўланишини текшириш	Ҳар чоракда	Бухгалтерия ҳисоби	Қайта ҳисоб-китоб, мониторинг
6.	Ҳар бир ой бўйича иш ҳақини ҳисобга олиш ҳужжатларини текшириш	Ҳар ойда	Ходимлар бўлими; Меҳнатни ҳисобга олиш бўйича масъул ходимлар	Қайта ҳисоб-китоб, мониторинг; Тасдиқлаш.
7.	Моддий жавобгар шахслар томонидан ҳар ой учун тайёрланган ҳисоботларнинг тўғрилиги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини текшириш	Ҳар ойда	Бухгалтерия ҳисоби; Омбор; Ишлаб чиқариш; Маъмурий.	Қайта ҳисоб-китоб
8.	Йиллик молиявий ҳисоботларнинг ишончли тайёрланиши ва ўз вақтида тегишли давлат органларига тақдим этилишини текшириш	Ҳар чоракда	Бухгалтерия ҳисоби	Қайта ҳисоб-китоб; Таҳлил; мониторинг
9.	Ички аудит текширувларини умумлаштириш, йиғма ҳисобот тайёрлаш ва кузатув кенгашига тақдим этиш	Ҳар чоракда	Ички аудит хизмати	Умумлаштириш ва ҳисобот тайёрлаш
10.	Ташки аудит текшируви бўйича аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолаш, ташки аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлаш	1 чоракда	Бухгалтерия ҳисоби	Қайта ҳисоб-китоб, мониторинг; Тасдиқлаш.

Ички аудит дастурида олинadиган маълумотларнинг қайси бўлимдан олиниши аниқ бўлиши лозим. Ҳужжатларни бўлимлар ичидаги айланиши, имзолаш механизми, корxonанинг ички норматив ҳужжатлари билан солиштириш, жумладан, ички норматив ҳужжатларига (ҳисоб сиёсати, ички ҳужжатлар айланиши бўйича Низом, жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги Низом, бизнес режа ва ҳ.к), ваколатли

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

шахсларнинг корхона ички ҳужжатларини тузишда ички аудит томонидан текширув якунида аниқланган, текшириш давомида бартараф этилган камчиликларни ички аудит хизмати ҳисоботига киритиш ёки киритмаслик масалалари, хато ва камчилик аниқланганда ваколатли шахсга хабар бериш механизми ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом¹⁵ асосида “Тошкентдонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2008-2017 йиллардаги молиявий ҳисоботлари ҳамда молиявий натижаларига тўхталиб ўтамыз. Даставвал ички аудит хизмати томонидан ҳисобланган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини келтириб ўтамыз (4-жадвал).

4-жадвал

“Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖнинг молиявий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар¹⁶

№	Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1	Тўлов қобилияти коэффициенти	1,33	1,33	1,33	1,21	1,08	1,07	1,09	1,05	0,98	1,023
2	Ўз маблағи манбалари билан таъминланиш коэффициенти	0,25	0,25	0,25	0,16	0,08	0,06	0,08	0,05	-0,02	0,3
3	Харажатлар рентабеллиги коэффициенти	0,04	0,04	0,05	0,04	0,03	0,01	0,03	0,01	0,01	0,04
4	Активлар рентабеллиги коэффициенти	0,03	0,03	0,043	0,04	0,03	0,01	0,03	0,01	0,01	0,01
5	Ўз айланма мблағларини қарзга олинган айланма мблағларга нисбати коэффициенти	0,48	0,5	0,56	0,45	0,34	0,26	0,29	0,28	0,24	0,303
6	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойда- ланиш коэффициенти	0,54	0,54	0,54	0,63	0,72	0,80	0,81	0,58	0,64	0,625
7	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	0,53	0,53	0,53	0,47	0,41	0,43	0,44	0,40	0,36	0,39

4-жадвал маълумотлари асосида, тўлов қобилияти коэффициенти, ўз маблағи манбалари билан таъминланиш коэффициенти, харажатлар

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

¹⁶ “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖнинг 2008-2017 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

рентабеллиги коэффиценти, активлар рентабеллиги коэффиценти, ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффиценти, асосий воситаларнинг эскириш коэффицентларининг ўзгариш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти камайган бўлиб, бошқа барча кўрсаткичлар ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Бу эса, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ички аудит хизмати ҳисоботларида ўз аксини топган кўрсаткичларнинг самарадорлигини ижобий ҳолат, деб баҳолашга имкон беради.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида, “Тошкентдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликларнинг корреляцион таҳлиллари амалга оширилди (5-жадвал).

5-жадвал

“Тошкентдонмахсулотлари” АЖнинг 2008-2017 йиллар бўйича молиявий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларни корреляцион таҳлил натижалари¹⁷

Кўрсаткичлар	Тўлов қобилияти коэффиценти	Ўз маблағи манбалари билан таъминланиш коэффиценти	Харажатлар рентабеллиги коэффиценти	Активлар рентабеллиги коэффиценти	Ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти	Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти
Тўлов қобилияти коэффиценти	1,00						
Ўз маблағи манбалари билан таъминланиш коэффиценти	0,67	1,00					
Харажатлар рентабеллиги коэффиценти	0,75	0,88	1,00				
Активлар рентабеллиги коэффиценти	0,82	0,47	0,80	1,00			
Ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффиценти	0,96	0,73	0,84	0,84	1,00		
Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти	-0,59	-0,57	-0,47	-0,28	-0,68	1,00	
Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти	0,98	0,65	0,72	0,80	0,91	-0,47	1,00

¹⁷ “Тошкентдонмахсулотлари” АЖнинг 2008-2017 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

5-жадвал маълумотлари таҳлилининг кўрсатишича, тўлов қобилияти коэффиценти барча кўрсаткичлар билан юқори корреляцион боғлиқликка эга. Бироқ ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти билан тескари боғлиқлик кузатилмоқда. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффицентида ҳам шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткич харажатлар рентабеллиги ҳам барча коэффицентлар билан юқори корреляцион боғлиқликка эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Корхонанинг тўлов қобилияти коэффицентини билан барча кўрсаткичлар юқори корреляцион боғлиқликка эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни тўлов қобилияти ролини оширишдаги аҳамиятини баҳолаб ўтамыз.

Таҳлилларимиз жараёнида аниқланган кўп омилли регрессия тенгламаси статистик жиҳатдан талабга жавоб бермади. Ўзгарувчилар орасидаги юқори корреляцион боғлиқлик автокорреляция муаммосини келтириб чиқармоқда.

6-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари¹⁸

Кўрсаткичлар номи	коэффицент	se	t-statistics	p-value	R²
Тўлов қобилияти коэффиценти ва харажатлар рентабеллиги ўртасидаги регрессион таҳлил тенгламаси натижалари	$b_0 = 0,94$	0,070	13,41	0,000	0,57
	$b_1 = 6,79$	2,094	3,244	0,011	
Тўлов қобилияти ва активлар рентабеллиги ўртасидаги регрессион таҳлил тенгламаси натижалари	$b_0 = 0,95$	0,056	16,58	0,000	0,67
	$b_1 = 8,38$	2,068	4,05	0,003	
Ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати ва харажатлар рентабеллиги ўртасидаги регрессион таҳлил тенгламаси натижалари	$b_0 = 0,18$	0,048	3,611	0,006	0,71
	$b_1 = 6,38$	1,452	4,394	0,002	
Ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати ва активлар рентабеллиги ўртасидаги регрессион таҳлил тенгламаси натижалари	$b_0 = 0,19$	0,045	4,269	0,003	0,71
	$b_1 = 7,3$	1,642	4,412	0,002	

Шу сабабли, иқтисодий назарияга асосланган ҳолда тўлов қобилияти коэффицентини оширишда харажатлар ва активлар рентабеллиги асосий омил сифатида олинган ҳолда икки омилли регрессия тенгламалари

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аниқланди. Таҳлиллар натижасида олинган қийматлар б-жадвалда келтирилган.

Бунда эрксиз ўзгарувчи сифатида тўлов қобилияти коэффиценти, мустақил ўзгарувчилар сифатида харажатлар ва активлар рентабеллиги коэффиценти танлаб олинган.

Келтирилган натижалардан амалга оширилган регрессион таҳлил статистик жиҳатдан талабларга жавоб беради, яъни натижаларга асосланган ҳолда харажатлар рентабеллигининг бир бирликка ўзгариши тўлов қобилияти коэффиценти 6,79 бирликка ошишини таъминлайди, деган хулоса қилиш мумкин.

Бошқа томондан активлар рентабеллиги билан тўлов қобилияти коэффиценти ўртасида тўғри боғлиқлик аниқланган бўлиб, унга кўра активлар рентабеллигининг бир бирликка ўзгаришига тўлов қобилиятини 8,38 бирлик ўзгариши мос келмоқда.

Ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати кўрсаткичини ўзгаришига ҳам харажатлар ва активлар рентабеллиги кўрсаткичини таъсири регрессион тенглама ёрдамида баҳолаб ўтилади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича харажатлар рентабеллигининг бир бирликка ўзгариши ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбатини 6,38 бирликка ошишини таъминлайди. Активлар рентабеллигининг бир бирликка ўзгариши эса тўлов қобилиятини 7,3 бирлик ўзгариши мос келмоқда. Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда корхонанинг асосий молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд, деган хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, харажатлар, активлар рентабеллигининг оширилиши корхонанинг барча молиявий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат уларнинг тўлов қобилияти коэффиценти, ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбатига таъсири кўринишида регрессион таҳлил натижаларига асосланган ҳолда асослаб ўтилган. Бу ерда берилган таҳлил ички аудит хизмати томонидан амалга оширилган йиғма ҳисоботларида келтирилиши лозим бўлган маълумотлар бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида ички аудитни режалаштириш жараёни, ички аудит жараёнида аудиторлик далилларини олиш ва ички аудитнинг якуний жараёни, йиғма ҳисоботни тузиш тартиблари илмий тадқиқ қилинган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш жараёнида бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлаган ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ички аудит хизмати ҳисоботининг бир хиллиги (унификациялаш)ни таъминлаш мақсадида, муаллиф томонидан ички аудит натижаларини расмийлаштириш бўйича намунавий йиғма ҳисобот шаклига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди (7-жадвал).

**Ички аудит ҳисоботи таркибий қисмлари бўйича таклиф этилаётган
намунавий шакл¹⁹**

№	Таркиби	Бўлимлар	Маълумотларни очиб бериш
